

«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«ASIA ALLLIANCE BANK» АТБ  
Кенгashi қарори билан  
(2016 йил 20 апрелдаги К-19-сон Баённома)

**«ASIA ALLLIANCE BANK» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ  
АХБОРОТ СИЁСАТИ ТҮҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

**2016 йил**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон ва 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш аҳволини баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 355-сон қарорлари, Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидалари (2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган), Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги йигилишида 9-сон баённома билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси (2016 йил 11 февралда 02-02/1-187-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ (қуйида матн бўйича – “Банк”) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом банкнинг ахборот сиёсатини, ахборотни мажбурий ошкор қилиш тартиби ва шаклларини, акциядорларга, инвесторларга, Кенгаш аъзолари ва бошқа манфаатдор шахсларга ошкор қилинадиган ахборот ва ҳужжатлар рўйхатини белгилайди.

1.3. Ахборот сиёсати мақсади акциядорлар, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахслар (куйида матн бўйича – “манфаатдор шахслар”)нинг улар томонидан ҳар томонлама баҳоланган инвестиция ва бошқарув қарорлари қабул қилиниши учун муҳим ҳисобланган банк ва унинг фаолияти тўғрисида ўз вақтида ва асосли маълумотлар олиш бўйича ахборот эҳтиёжларини қондириш орқали банк фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашдан иборат.

1.4. Ахборотни махфийлик ва тижорат сири таркибига киритиш тартиби, шунингдек мазкур ахборотдан фойдаланиш шарт-шароитлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ банк томонидан фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари асосида белгиланади.

## II. АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

2.1. Банк ахборот сиёсати қуидаги тамойиллар асосида ташкил топади:

2.1.1. Тeng ҳуқуқлилик тамойили.

Банк барча акциядорлари ва бошқа манфаатдор шахслар учун ахборот олишда тенг ҳуқуқлар ва имкониятларни таъминлайди.

2.1.2. Мунтазамлилик тамойили.

Банк доимий асосда банк акциядорлари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг манфаатларига дахлдор банк фаолиятидаги энг муҳим воқеа-ходисалар тўғрисидаги маълумотларни банк учун жоиз хабардор қилиш воситаларидан фойдаланиб ошкор қиласди.

2.1.3. Оперативлик тамойили.

Банк ошкор қилинадиган маълумотларнинг муҳимлилик даражаси пасайишига йўл қўймаслик мақсадида ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг максимал қисқа муддатларда ошкор қилинишини таъминлайди.

2.1.4. Тўлиқлик тамойили.

Банк ўз акциядорлари ва бошқа манфаатдор шахсларда уларни қизиқтираётган масалалар түғрисида холис (объектив) ва энг түлиқ тасаввур шаклланиши учун етарли даражада ахборот тақдим қиласы.

#### **2.1.5. Асослилик (шубхасиз түғрилик) тамойили.**

Банк ўз акциядорлари ва бошқа манфаатдор шахсларга ҳақиқатта түғри келадиган ахборот тақдим қиласы, шунингдек тарқатиладиган ахборот қасддан бузиб күрсатилмаслиги ёки хато бўлмаслиги учун оқилона чора-тадбирлар кўради.

#### **2.1.6. Мувофиқлик тамойили.**

Банк ўзи томонидан ошкор қилинадиган ахборотнинг турли усуллар ва/ёки турли шаклларда мувофиқлиги ва келишилганлигини таъминлайди.

#### **2.1.7. Холислик (объективлик) тамойили.**

Банк ўзи түғрисида ва ўз фаолияти түғрисида банк акциядорлари ва бошқа манфаатдор шахслар учун муҳим ҳисобланган салбий ахборотни ошкор қилишдан бош тортмайди.

#### **2.1.8. Фойдаланиш имконияти тамойили.**

Банк ўз акциядорлари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ошкор қилинадиган ахборотдан эркин, осон ва энг кам ҳаражатли фойдаланишларини таъминлайдиган ахборот тарқатиш усулларини қўллайди.

#### **2.1.9. Мувозанатлилик тамойили.**

Банк ахборот сиёсатини реализация қилишда бир томондан ахборот ошкоралиги ва иккинчи томондан ўз тижорат манфаатларини ҳимоялаш ўртасида оқилона мувозанатга эришишга интилади.

#### **2.1.10. Бетарафлик (нейтраллик) тамойили.**

Банк ахборотни ошкор қилишда бир аудитория манфаатларининг бошқа аудитория манфаатларига нисбатан устувор қондирилишига йўл қўймайди.

#### **2.1.11. Ҳимояланганлик тамойили.**

Банк Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан рухсат берилган маҳфий ҳисобланган ҳамда хизмат ва тижорат сирини ўз ичига олган ахборотни ҳимоя қилиш усуллари ва воситаларини қўллайди. Банк инсайдерлик ахборотининг тегишлича ижроси устидан назоратни амалга оширади.

### **III. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

3.1. Банк акциядорлик банклари томонидан ошкор қилиниши шарт бўлган барча зарур ахборотни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган ҳажмда, муддатларда ва усуллarda ошкор қиласы.

3.2. Банк томонидан ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган тартибда қуидаги усуллар билан амалга оширилади:

3.2.1. Интернет тармоғидаги банкнинг расмий корпоратив веб-сайтида ахборотни ошкор қилиш (<http://aab.uz>);

3.2.2. Интернет тармоғидаги ягона корпоратив ахборот порталаида ахборотни ошкор қилиш (<http://openinfo.uz>);

3.2.3. “Тошкент” Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида ахборотни ошкор қилиш ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz));

3.2.4. Даврий матбуот нашрларида ахборотни эълон қилиш орқали;

3.2.5. Ахборотни қофоз ва электрон ташувчи воситаларда тақдим қилиш;

3.2.6. Акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларга ахборот ва ҳужжатлардан фойдаланишга рухсат бериш ва уларга талаблари бўйича ҳужжатлар нусхаларини, шу жумладан электрон почта орқали тақдим қилиш;

3.2.7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида Банк вакилларининг оммавий чиқишлари, семинарлар, конференциялар ва тақдимотларини ташкиллаштириш ва уларда иштирок қилиш;

3.2.8. Буклама-реклама (буклет), рисола (брошюра)лар ва шунга ўхшаш бошқа ахборот ташувчи воситаларда ахборотни эълон қилиш;

3.2.9. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усуллар.

#### **IV. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ ШАКЛЛАРИ**

4.1. Ахборотнинг мажбурий ошкор қилиниши қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

4.1.1. Қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган ҳолатларда қимматли қоғозлар эмиссияси маълумотномаси (проспекти)да;

4.1.2. Йилнинг ҳар чорак ва йиллик ҳисоботларида;

4.1.3. Банк фаолиятидаги муҳим маълумотлар тўғрисидаги хабарларда.

4.2. Банк юқорида қайд этилган ахборотни Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидалари (2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланган муддатларда, тартибда ва шаклда ошкор қилади.

4.3. Банк ўзининг расмий корпоратив веб-сайтида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон Қарори билан белгиланган рўйхатдаги ахборотнинг ошкор қилинишини таъминлайди. Бунда, банк ўз расмий корпоратив веб-сайтининг манфаатдор шахслар учун қулай инглиз, рус ва бошқа тиллардаги версияларини ташкил қилиш, уларда давлат тилидаги мавжуд барча ахборотни тааллуқли тилга таржимаси билан бирга жойлаштириш орқали ўз расмий веб-сайти такомиллаштирилишини таъминлайди.

Банкнинг корпоратив веб-сайтида бошқа манбалардан ахборотнинг жойлаштирилиши ахборот манбаи кўрсатилган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин.

4.4. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида ошкор қилинадиган ахборот қўйидагилардан иборат:

- акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар;

- банкнинг жойлашган манзили (почта манзили) ва электрон почта манзиллари ўзгаришлари тўғрисида билдириш;

- банкнинг имтиёзли ҳуқуққа эга акциядорларига акцияларни ёки акцияга конвертацияланадиган эмиссия қимматли қоғозларини харид қилиш таклифи;

- банк томонидан акцияларнинг пул тўлаб қайтариб олиниши тўғрисидаги ахборот;

- банк тугатилиши тўғрисидаги, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабнома аризалари берилиш тартиби ва муддати тўғрисидаги ахборот;

- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини қабул қилиш ва унга амал қилиш тўғрисида хабар;

- ижроия орган тўғрисида маълумотлар, шу жумладан банкда ишлаш даврида ва унинг мазкур давр мобайнидаги самарадорлигини баҳолаш тўғрисида маълумотлар;

- Банк акциядорлик капиталининг тузилиши тўғрисида маълумотлар (20%дан юқори улушли акциядорлар);

- таклиф қилинаётган соф фойда тақсимланиши, дивидендлар миқдори асосланиши, уларнинг банкда қабул қилинган дивиденд сиёсатига мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек зарур ҳолларда, соф фойданинг муайян қисмини банкни

ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтириш ҳажмларини изоҳлаш ва иқтисодий жиҳатдан асослаш тӯғрисида маълумотлар;

- хайрия (ҳомийлик) ёки бепул ёрдам кўрсатиш тӯғрисида қарорлар қабул қилиш ҳамда бундай ёрдамни кўрсатиш (олиш) тартиби ва шарт-шароитлари тӯғрисидаги, шунингдек амалда кўрсатилган (олинган) хайрия (ҳомийлик) ёки бепул ёрдам тӯғрисидаги ахборот;

- корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари.

4.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санагача икки ҳафтадан кечиктирмай Халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисботнинг Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудити ўтказилгандан сўнг эълон қилиниши амалга оширилади.

4.6. Банк акциядорларининг умумий йиғилишида Кенгаш ва Бошқарув иш ҳақи ва бадаллари миқдори тӯғрисидаги ахборот ошкор қилинади.

## V. АКЦИЯДОРЛАРГА АХБОРОТ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Банк акциядорларига тақдим қилинадиган ахборотнинг асосий турлари банк акциядорларининг умумий йиғилишига тайёргарлиқда ахборот тақдим қилинишидан ва банк акциядорининг талаби бўйича ахборот тақдим қилинишидан иборат.

5.2. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилиши тӯғрисидаги хабар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Банк Устави ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши тӯғрисидаги Низом билан белгиланган муддатларда ва ҳажмда тайёрланади ва тақдим қилинади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тӯғрисидаги хабар банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санагача етти кундан кечиктирмай, бироқ энг камида ўттиз кундан олдин юборилади.

5.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича ахборот (материаллар) акциядорларга банк Кузатув кенгашининг қарори асосида тақдим қилинади.

5.4. Банк Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тӯғрисида”ги Қонуни 103-моддасида назарда тутилган ҳужжатлардан акциядорларнинг фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бундан бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатлар, бошқарув мажлисларининг баённомалари, шунингдек банк бошқарув раисининг буйруқлари ва банк акциядорларининг реестри мустасно.

Банк ҳужжатларидан фойдаланиш талабнома асосида амалга оширилади, ушбу талабнома акциядор томонидан банкка қуидаги усуллар билан юборилади:

- почта алоқаси орқали банк жойлашган қуидаги манзил бўйича: Тошкент ш., 100047, Тараққиёт кўчаси, 2а-үй;

- банкка йўналтирилган ёзма хат-хабарларни қабул қилиш ваколатига эга шахсга рўйхат остида топшириш;

- Интернет тармоғи воситасида талабномани қуидаги электрон почта манзили бўйича юбориш орқали: [info@aab.uz](mailto:info@aab.uz);

- банкнинг қуидаги расмий корпоратив веб-сайти орқали талабномани узатиш: <http://aab.uz>.

5.5. Банк қимматли қоғозлар эгаларига амалдаги қонун ҳужжатлари ва мазкур Низом билан ошкор қилиш назарда тутилган ҳужжатлар нусхаларини банкка тааллуқли талабнома келиб тушган санадан бошлаб 10 (үн) календарь куни мобайнida тақдим қиласди. Банк томонидан ҳужжатлар нусхалари тақдим

қилингандыктын үчүн ундирилдиган ҳақ уларни тайёрлаш харажатларидан юқори бўлиши мумкин эмас.

Хужжатлар нусхалари акциядорга шахсан ёки унинг фуқаролик қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатнома кўрсатган вакилига банкнинг масъул шахси томонидан қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича тақдим қилинади ёхуд иловалар рўйхатини ўз ичига олган буюртма почта жўнатмаси орқали юборилади.

5.6. Акциядорнинг унга танишиб чиқиш учун хужжатлар тақдим қилиниши тўғрисидаги талабномасида қуйидагилар қайд этилиши керак:

- жисмоний шахс учун – фамилияси, исми, отасининг исми;
- юридик шахс учун – номланиши ва жойлашган манзили;
- акциядорга тегишли банк акциялари сони ва тоифаси (тури);
- идентификациялаш имконини берадиган хужжатлар реквизитлари (масалан, номланиши, санаси, рақами, мазмуни).

Талабномага сўровнома юборилган санагача 3 (уч) иш куни ичида тузилган депозит ҳисобварағидан кўчирма илова қилиниши керак.

Хужжатлар тақдим қилиниши тўғрисидаги талабнома улардаги маҳфий ахборотнинг ошкор қилинмаслиги тўғрисида мажбуриятни ўз ичига олиши керак.

5.7. Акциядорлар томонидан расмий талаб қилиб олинадиган хужжатлар банк жойлашган манзил бўйича тааллуқли талабнома тақдим қилингандан кундан бошлаб 5 (беш) календарь куни мобайнида танишиб чиқиш учун ҳам тақдим қилиниши мумкин.

5.8. Расмий талаб қилиб олинадиган хужжатлар электрон форматда мавжуд бўлган тақдирда, тааллуқли хужжатлар нусхалари электрон почта воситалари орқали тақдим қилиниши мумкин, бунда талабнома билан мурожаат қилган акциядорнинг электрон почта манзили банкка маълум бўлиши ва акциядор хужжатлар нусхаларининг мазкур форматда тақдим қилинишига эътиroz билдирилмаслиги шарт.

5.9. Миноритар акциядор хужжатларни асоссиз равишда талаб қилиб олиш ва маҳфий ахборот, тижорат сиридан фойдаланиш орқали банкнинг бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилмасликлари керак.

## **VI. БАНКНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ, ХОДИМЛАРИ ВА МАНФААТДОР ШАХСЛАР ЎРТАСИДА АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ ТАРТИБИ**

6.1. Банкнинг Бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари ва банкнинг манфаатдор шахслари ўртасида ахборот алмашинуви Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

6.2. Манфаатдор шахсларнинг банк Бошқарув Раиси ёки банк Кенгashi раиси номига ихтиёрий ёзма шаклда тузилган ахборот тақдим қилиниши тўғрисидаги ёзма (электрон) талабномалари бўйича масъул ижрочи этиб тайинланган шахс 10 кун ичида маҳфий ва тижорат сирига дахлдор ахборотдан ташқари керакли ахборотни электрон кўринишда тақдим қиласи. У ёхуд бу ахборот тақдим қилинмаган тақдирда тааллуқли сабаблари кўрсатилади.

6.3. Хужжатлар нусхаларини тақдим қилиш зарур ҳолларда, манфаатдор шахс хужжатлар нусхаларини тайёрлаш харажатлари қийматидан юқори бўлмаган микдорда тўловни ва хужжатларни почта орқали юбориш билан боғлиқ харажатлар тўловини амалга оширади.

6.4. Манфаатдор шахсларнинг ёзма ёки электрон талабномалари, шу жумладан акциядорларнинг алоқа боғлаш маълумотлари ва банк реквизитлари

ўзгарганлиги тўғрисидаги ахборот банкнинг расмий веб-сайтида қайд этилган банкнинг почта ёки электрон манзилига юборилиши мумкин (<http://aab.uz>).

6.5. Банк ички ҳужжатларга мувофиқ акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро алоқа учун масъул ходим ёки бўлинмани белгилайди (тайинлайди).

6.6. Банк Бошқарув Раиси ва Банк Бошқарув Раисининг ўринбосарлари банк номидан расмий шарҳлар бериш ҳуқуқига эга.

6.7. Банк Кенгаши Раиси ва Банк Бошқарув Раиси тааллуқли коллегиал бошқарув органи аъзоларининг фикрлари ҳисобга олинган ҳолда, тааллуқли органлар томонидан қабул қилинган қарорларни расмий шарҳлаш, шунингдек муайян масалалар бўйича расмий шарҳлар тақдим қилинишини ўз аъзоларига топшириш ҳуқуқига эга.

6.8. Банк Бошқарув Раиси ўзи қабул қилган қарорларни оммавий шарҳлаш ҳуқуқига эга.

6.9. Банкнинг бошқа манфаатдор шахслари ва ходимлари банк ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатлари, мазкур Низом ва банкнинг бошқа ички ҳужжатлари билан белгиланган тартиботларга мувофиқ тақдим қилиш ҳуқуқига эгалар.

## **VII. МАХФИЙ АХБОРОТ**

7.1. Учинчи шахслар учун номаълумлиги туфайли ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга бўлган ҳамда хизмат ёки тижорат сирини ўз ичига олган, қонуний асосда фойдаланиш имкони бўлмаган ахборот махфий ҳисобланади ва ушбу ахборот эгаси унинг махфийлигини саклаш бўйича чоралар кўради.

7.2. Тижорат сирини ўз ичига олган ахборот ва бошқа махфий ахборот рўйхатини, махфий ахборот билан ишлаш тартибини ва махфий ахборотни ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш, шунингдек махфий ахборот билан ишлаш бўйича белгиланган тартибга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширувчи шахсларни белгилаш банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

7.3. Банк махфий ахборотдан фойдаланиш учун рухсат олган шахслар ва бундай ахборот тақдим қилинган ёки топширилган шахслар ҳисобини юритади.

7.4. Банк ходимлари билан меҳнат шартномалари ва банкнинг контрагентлари билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларига махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартлар киритилади.

7.5. Махфий ахборот ошкор қилинганлиги натижасида банкка етказилган заарлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан қатъий белгиланади.

7.6. Қимматли қофозлар бозорида махфий ахборотнинг ошкор қилиниши қонун билан назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

Махфий ахборот қуидаги ҳолатларда қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига ошкор қилинади:

- қимматли қофозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари ушбу орган томонидан кўриб чиқилиши;

- Халқаро қимматли қофозлар бўйича комиссиялар ташкилоти аъзолари ҳисобланган бошқа давлатлар қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органларига уларнинг ёзма талабномаси асосида ахборот тақдим қилиш.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштиришга ва терроризмни маблағ билан таъминлашга қарши кураш билан боғлиқ махфий ахборот қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда маҳсус ваколатли давлат органига тақдим қилинади.

## VIII. ИНСАЙДЕР АХБОРОТИ

8.1. Банкнинг қимматли қоғозлари ва улар билан битимлар тўғрисида, банк унинг шўъба ва қарашли жамиятлари тўғрисида учинчи шахсларга номаълум бўлган, ошкор қилиниши банк қимматли қоғозлари бозор қийматига жиддий таъсир кўрсатиши ва қимматли қоғозлар бозорининг бир иштирокчисига бошқаларга нисбатан устуворлик тақдим қилиши мумкин бўлган ҳар қандай маълумотлар инсайдер ахбороти ҳисобланади.

8.2. Инсайдер ахборотидан ноқонуний фойдаланиш банк акциядорларига жиддий зарар етказиши ҳамда банкнинг молиявий аҳволи ва унинг амалий обрўси учун жиддий салбий оқибатларга олиб келиши, шунингдек умуман фонд бозорига зарар келтириши мумкин.

8.3. Ошкор қилингандан ёки оммавий ахборот воситаларида эълон қилингандан маълумотлар, шунингдек умумий фойдаланиладиган ахборот асосида амалга оширилган қимматли қоғозлар қиймати баҳоланишини ва/ёки банкнинг мулкий ҳолати баҳоланишини ўз ичига олган маълумотлар инсайдер ахбороти ҳисобланмайди.

8.4. Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-хуқуқий ҳужжатлари, банк устави, ички ҳужжатлари, лавозим йўриқномалари асосида, шунингдек банк билан шартномалар асосида инсайдер ахборотидан фойдаланиш хуқуқига эга жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан қўйидагилар инсайдер ахборотига потенциал эга шахслар сифатида эътироф қилинади:

- Банк Кенгаши ва Бошқарув аъзолари, Банк Бошқарув Раиси ва Тафтиш комиссияси аъзолари;

- банк билан меҳнат ёки фуқаролик-хуқуқий муносабатлари ўрнатган ва шу туфайли инсайдер ахборотидан фойдаланиш хуқуқига эга шахслар (шу жумладан, банк аудитори, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари);

- шўъба ва қарашли банкларнинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари.

8.5. Банк инсайдер ахборотидан фойдаланишда банк ходимлари ва бўлинмалари ўртасида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ва суиистеъмолликларни чеклаш мақсадида инсайдер ахборотига потенциал эга шахслар томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрларига ва банкнинг ички ҳужжатлари билан назарда тутилган маҳсус талабларга риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди.

8.6. Инсайдерлар, агар Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-хуқуқий ҳужжатлари билан ўзгача назарда тутилмаган бўлса, давлат ва бошқа органларнинг асосланган талаблари, банк Кузатув кенгашининг қарорлари асосида қўйидагиларни амалга оширишлари шарт:

- инсайдер ахборотини ошкор қилмаслик, шу жумладан банк билан меҳнат ёки бошқа шартноманинг амал қилиши тўхтатилгандан сўнг бундай шартнома билан белгиланган муддат мобайнида инсайдер ахборотини ошкор қилмаслик;

- банк билан меҳнат ёки бошқа шартноманинг амал қилиши тўхтатилгандан ёки бекор қилинганда ўзларидаги инсайдер ахборотини ўз ичига олган моддий ахборот ташувчи воситаларни банкка топшириш;

- инсайдер ахборотини учинчи шахсларга бермаслик ёки учинчи шахслар томонидан фойдаланиш имкониятини яратмаслик;

- инсайдер ахборотидан шахсий манфаатларида ва/ёки учинчи шахслар манфаатларида фойдаланмаслик, шу жумладан учинчи шахсларга банкнинг қимматли қоғозлари билан инсайдер ахборотига асосланган операцияларни амалга ошириш тўғрисида тавсиялар бермаслик;

- банк Кузатув кенгашини ўзларига тегишли банкнинг қимматли қофозлари тўғрисида, шунингдек банк ёки унинг шўъба ва қарашли банклари қимматли қофозлари билан операцияларни амалга ошириш мақсадлари тўғрисида хабардор қилиш;

- инсайдер ахборотидан фойдаланиш тартиби бузилиши натижасида банкка етказилган заарлар ўрнини тўлдириш;

- Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, банк устави, мазкур Низом ва банкнинг бошқа ички ҳужжатлари билан назарда тутилган инсайдер ахборотидан фойдаланишга тегишли бошқа талабларга риоя қилиш.

8.7. Банкнинг инсайдер ахбороти ноқонуний ошкор қилинганилиги ва фойдаланганилиги учун инсайдерлар амалдаги қонун ҳужжатларига, банкнинг ички ҳужжатларига, шунингдек банк билан тузиладиган битимлар ва шартномалар шартларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## **IX. АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

9.1. Бошқарув қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомга мувофиқ, банк тўғрисида ошкор қилиниши шарт бўлган ахборотнинг ўз вақтида эълон қилиши учун жавобгар ҳисобланади.

9.2. Ахборотнинг ошкор қилинишини ташкиллаштириш, унинг тўлиқлиги, асослиги ва ўз вақтида амалга оширилиши учун банк Бошқарув Раиси қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

9.3. Банк Бошқарувининг мазкур Низомда қайд этилган ахборотни ошкор қилиш зарурати юзага келишига сабаб бўлган қарорни қабул қилган ваколатли органи ушбу қарор белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг, уни зудлик билан банк Бошқарувига тақдим қилиши ҳамда қонун ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларига мувофиқ у тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилинишини таъминлаши шарт.

9.4. Банкнинг ахборот сиёсатига риоя қилиниши устидан назорат банк Кузатув кенгashi томонидан амалга оширилади.

9.5. Мазкур Низом талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги маълумотлар банк Кузатув кенгашининг йигилишларида тингланадиган банк Бошқарувининг йилнинг ҳар чорак ҳисботларида акс эттирилади. Ахборотнинг ўз вақтида, сифатли ва асосли ошкор қилиниши Бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

9.6. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

## **X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

10.1. Мазкур Низом банкнинг бошқарув, назорат органлари ва банк ходимлари томонидан риоя қилиниши учун мажбурий ҳисобланади.

10.2. Мазкур Низом ҳамда унга киритиладиган барча ўзгартишлар ва қўшимчалар банк Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланган санадан бошлаб қонуний кучга киради.

10.3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган, бунинг натижасида мазкур Низомнинг айrim меъёрлари қонун ҳужжатларига зид келиб қолган ҳолатда, мазкур Низом қонун ҳужжатларига зид келмайдиган қисмида амал қилишни давом эттиради. Низомнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келиб қолган меъёрлари ўз кучини

йўқотади ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг ва/ёки банк уставининг тегишли меъёрлари қўлланилади.